

Жорий йилнинг 8  август куни Индонезия гарбий Солаосий минтакасида жойлашган Мамужу шахар «Мамужу шахидлари» жомеъ масжидида Куръони Карим билан хамрохлик кечаси ўтказилди.

Тадбир бошида мамлакатнинг бир катор таникли корилари Куръони Каримдан оятлар тиловат килишди ва кеча давомида Солаосий минтакасининг хокими Бустамин Баусат сўзга чикиб, таъкидладики, Куръони Карим оятларида тадаббур ва унинг дастурларига амал килмаслик билан илохий оятларни кироат килишнинг ўзи етарли эмас.
Унинг айтишича, мусулмонлар йилнинг бошка ойларида хам муборак рамазон ойидаги каби Куръони Каримни кироат килишлари керак. Албатта, инсоний ва илохий камолотга етиш учун факатгина Куръонни кироат килиш етарли эмас, балки бу илохий китобнинг дастурларига хам амал килиш зарур.